

---

## Олтиариқлик барча нуронийлар, пирубадавлат отахон ва онахонларга БАЙРАМ ТАБРИГИ

Олтиариқ тумани ҳокимлиги, туман Нуронийлар жамоатчилик Кенгаши барча азиз юртдошларимизни, ҳурматли устозларни, ўқитувчиларни, мураббийларни, меҳнат фахрийлари ва мўътабар нуроний отахон ва онахонларни 1-октябрь ўқитувчи ва мураббийлар куни ҳамда 1-октябрь халқаро кексалар куни байрамлари билан самимий муборакбод этади. Сизларга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва саодат тилаймиз. Кексаларимизнинг эл-юрт равнақи, фарзандлар бахту-камоли йўлида чеккан заҳматларининг ажрини Аллоҳ берсин. Юртимиз тинчлиги ва фуқароларимизнинг фаровон ҳаётини сўраб қилаётган дуоларингиз ижобат бўлсин. Олтиариқнинг бугунги шону-шавкати, республика ва қардош халқлар олдидаги мавқеи Сиз азиз нуронийларимизнинг меҳнатларингиз самарасидир. Сизнинг давомчиларингиз бўлмиш фарзандлар ва набираларингиз ҳам барча соҳада улкан муваффақиятларни қўлга киритаётганликларининг замирида ҳам Сиз берган тарбия ва ибратнинг беқиёс ўрни бор. Сизлар ҳамиша ардоғимиздасиз. Туман ҳокимлиги ҳамда Нуронийлар кенгаши Сизларни доимо ардоқлайди. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида қўлга киритаётган ютуқларимизда билим ва тажрибага таянган маслаҳат ва насиҳатларингиз ҳамиша бизга асқотади. Азиз ва мўътабар устозлар, нуронийлар байрамингиз муборак бўлсин.

2022-10-07 18:04:54